

6. Kannan K.P., Rajendra P. Mamgain, and Preet Rustagi, 63–103. New Delhi: Academic Foundation.
- Islam, Iyanatul and Anis Chowdhury. 2012. [Электронный ресурс]: <http://www.oxfam.org/debates/commentaries/fiscal-austerity-and-youth-employment-crisis>. (дата обращения: 30.08.2022).
7. Всемирный банк. Стратегия «Повышение устойчивости, расширение возможностей» в области социальной защиты и труда на 2012–2022 годы. Концептуальная записка. [Электронный ресурс]: [http://2020\\_strategy.ru/data/2011/12/14/1214537808/SP-L\\_Strategy](http://2020_strategy.ru/data/2011/12/14/1214537808/SP-L_Strategy) (дата обращения: 15.08.2022).
8. Weeks, John. 2011. Macroeconomic policy for growth with reference to Africa South of Sahara. In McKinley (2011a).
9. Islam, Iyanatul and Anis Chowdhury. 2017. Fiscal austerity and the youth employment crisis. [Электронный ресурс]: <http://www.oxfam.org/debates/commentaries/fiscal-austerity-and-youth-employment-crisis>. (дата обращения: 02.09.2022).
10. David Kucera. 2013. Beyond macroeconomic stability: Structural transformation and inclusive development. London, Geneva: Palgrave Macmillan and ILO.
11. Adams, R. Economic Growth, Inequality and Poverty: Findings from a New Data Set, Policy Research Working Paper 2972, World Bank, February 2002.
12. Ravallion, M and S Chen 'What Can New Survey Data Tell Us about Recent Changes in Distribution and Poverty?' World Bank Economic Review, 11(2): 357–82.
13. OECD (2017). OECD employment outlook 2017. Paris: OECD. [Электронный ресурс]: [https://www.oecd-ilibrary.org/employment/oecd-employment-outlook-2017\\_employment\\_outlook-2017-en](https://www.oecd-ilibrary.org/employment/oecd-employment-outlook-2017_employment_outlook-2017-en) (дата обращения: 05.09.2022).
14. Khan, A.R. (2007). Asian experience on growth, employment and poverty: An overview with special reference to the findings of some recent case studies. Geneva, Colombo: ILO, UNDP
15. Закон Республики Узбекистан «О занятости населения» от 20.10.2020 года №ЗРУ642-.
16. Абдурахманов К.Х. Экономика труда. Теория и практика: Учебник: К. Х. Абдурахманов.–М.: ФГБОУ ВО «РЭУ им. Г. Плеханова», 662 –.2019 с.
17. Анализ формирования спроса на рынке труда Узбекистана в разрезе отраслей и специальностей. Институт прогнозирования и макроэкономических исследований. [Электронный ресурс]: <https://ifmr.uz/publications/articles-and-abstracts/labor>. (дата обращения: 02.09.2022).
18. ILO. Decent Work Country Diagnostics – Technical Guidelines to draft the Diagnostics Report. Geneva : ILO, 2015.
19. Bhattacharyya, Nikhilesh. 2012. Monetary policy and employment in developing Asia. ILO Asia-Pacific Working Paper Series, ILO, Bangkok.
20. Rizwanul Islam. Macroeconomic Policy and Employment: A Development Perspective. The Indian Journal of Labour Economics An Organ of the Indian Society of Labour Economics ISSN 0971-7927 Volume 61 Number 3.
21. Krugman, Paul. 2008. Stimulus gone bad. International Herald Tribune, January 26–27.
22. Stiglitz, Joseph. 2008. How to stop the downturn. International Herald Tribune, January
23. Blinder, Alan S., and Mark Zandi. 2010. Stimulus worked. Finance and development, December 2010, pp. 14–17.

## АЁЛЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТISODIYAT AҲAMIAHATI

Бобаназарова Жамила Холмуродовна –  
Жиззах политехника институти  
профессори, и.ф.д.

**Аннотация.** Бугунги ислоҳотлар ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш

тенденцияси меҳнат муносабатларининг ўзгариши, камбағаллик ва ишсизлик даражасини камайтириш, хусусан, мамлакатда демократик ислоҳотларни амалга оширишда қишлоқ жойларида аёллар меҳнатини ташкил этишда янгича ёндашувларни тақозо қилмоқда. Мазкур мақолада қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш учун кафолатли маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадидатараққий этган молиявий бозорлар, қулай иш билармонлик муҳити, ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-куватлаш ва ривожлантиришга қаратилган иқтисодий чораларни кўриш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч иборалар:** камбағаллик, аёллар меҳнати, қишлоқ хўжалиги, иш ўринлари, худудий ўзига хослик, инвестиция, ижтимоий-ташкилий механизмлар.

### Кириш

Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида камбағаллик даражаси аҳолининг турмуш тарзида ифодаланиб, ижтимоий масала сифатида деярли барча иқтисодий тизимларда намоён бўлади. Камбағаллик *иқтисодий ривожланиш жараёнида мoddий ва номоддий имтиёзлардан фойдаланиш, даромадларни тақсимлашдаги тенгизликтининг оқибати сифатида изоҳланиб*, унинг салбий таъсирини пайсатириб, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим макроиқтисодий хусусиятларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек<sup>1</sup> «Камбағалликни камайтириш-буҳолидатадбиркорликруҳини ўғотиш, инсоннинг ички куч-куvvати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш демакдир. Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиши тақлиф этаман». Бу борада халқаро меъёрлар асосида чукур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим.

Қишлоқдаги хотин-қизлар меҳнат фаолияти туридан қатъий назар аҳоли фаровонлиги, турмуш даражасининг ошишида фаол иштирок этади. Ривожланаётган давлатларда қишлоқ жойларида яшовчи аёллар таҳминан

43,3 % ни ташкил этиб, аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек муҳим стратегик вазифани амалга оширишда ҳиссаси катта. Аксарият қишлоқ аёлларининг турмуш тарзи қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурсларга бевосита боғлиқ бўлиб, таъминланиш даражасига кўра, турмуш фаровонлигини белгилаб беради. БМТ маълумотларига асоан, дунё давлатларида аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб бораётганлигига қарамай, бир миллиарддан ортиқ киши ҳаёт учун ўта ноқулай бўлган шароитларда, озиқ-овқат тақчиллигида яшамоқда. Жуда кўп давлатлarda қишлоқ жойларда камбағаллик шаҳарларига нисбатан анча юқори<sup>2</sup>. Осиё ва Саҳрои Кабирнинг жанубий қисмида жойлашган давлатлардаги 2,5 млрд. дан ортиқ аҳоли учун асосий манба ҳисобланган майда хўжаликлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қарийб 80 % ишлаб чиқилади

Дунё бўйича камбағал аҳолининг 76,5 % қишлоқларда яшашини инобатга олиб, аёллар учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаларида янги иш ўринларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали дунёда камбағаллик даражасини камайтириш мумкин. Шунинг учун республикамизда аёллар учун қишлоқ хўжалигининг нисбатан янги соҳаларида иш ўринларини ташкил этиш ва улардан унумли фойдаланиш катта стратегик ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Жаҳон банки томонидан ўрнатилган мезонга мувофиқ, киши камбағаллик чегарасидан пастда қайдэтилиши учунунинг даромади кунига 1,9 доллардан ошмаслиги керак. Иқтисодчи олим Н.Жумаевнинг эътироф этишича<sup>3</sup> Ўзбекистон

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.Тадбиркорлик субъектлари ва янги иш ўринлари ҳудудлар раҳбарлари фаолиятини баҳолашда асосий мезон бўлади. Халқ сўзи 2020 йил 24 январь

<sup>2</sup> БМТ майълумотлари, 2020. <https://www.un.org/>

<sup>3</sup> Жумаев Н. Коронавирус ортидаги иқтисодий муаммолар, камбағаллик, ошаётган ташки қарз ва ЕОИИ. 16.04.2020. <https://kun.uz>

Республикаси учун қашшоқлик чизиги – кунига 3,2 доллардан кам пулга яшаш дегани, мисол учун беш кишидан иборат оиланинг ялпи даромади ойига 480 доллар ёки 4,6 милион сўмдан кам бўлса, бу оилани камбағал деб ҳисоблаш мумкин. Тадқиқотларга кўра, бугунк ги кунда мамлакатимизда 46 турдаги маҳсулот ва бирламчи хизматлар киритилган истеъмол саватчаси 650 минг сўм, ҳаёт кечиришнинг энг қуий даражаси 810 минг сўм атрофида ҳисоблаб чиқилган.

Аёллар учун қишлоқ хўжалигининг нисбатан янги соҳаларида иш ўринларини ташкил этиш ва улардан унумли фойдаланишини такомиллаштириш масалалари қатор иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, профессор Ш.Р.Холмўминовнинг фикрича<sup>4</sup> "...аёллар орасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун яқин истиқболда асосий иқтисодий, ижтимоий, ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш, рақамли иқтисодиётни шаклланиши шароитида масофавий ва ўзини-ўзи иш билан бандлик турларини ривожлантириш негизида қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларини ташкил этишни иқтисодий ва ижтимоий қўллаб-куватлаш, ҳамда мазкур иш билан бандлик турларининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадга мувоғиқ".

Хорижлик олимларнинг фикрича<sup>5</sup> "Аёл тадбиркорлиги иқтисодий ривожланишнинг тезлашиши ва камбағалликни қисқаришда катта аҳамиятга эга.

Глобал мақсадлар 2000 йилда қабул қилинган ва қашшоқликка қарши курашиш масалаларини ечишни кўзда тутган 15 йиллик дастур<sup>6</sup> – Мингйиллик тараққиёт мақсадлари (МТМ)нинг давоми бўлиб ҳисобланади. Қашшоқликни бартараф этиш

бўйича мамлакатда янги касбларни яратиш, аёлларни ўқитиш, иш ҳақини ошириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни микромолиялаш тизимини йўлга қўйиш, гендер тенгликни таъминлаш, давлат харажатларини шаффоғлигини таъминлаш, кредит қарзларни бекор қилиш, соғлиқни сақлаш учун тенг имкониятлар яратиш, тоза сув ва санитария муаммосини ҳал қилиш, айниқса чақалоқларнинг озиқланишига эътибор қаратиш каби вазифалар белгилаб берилган.

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида услубий асос сифатида молиявий ва иқтисодий таҳлилнинг бир қатор усулларидан фойдаланилади. Хусусан, макроиқтисодий таҳлил, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, эксперимент, мантиқий ва таққослаш таҳлили, прогнозлаш усуллари, инновацион ва интеграцион ёндашувлар усулларидан фойдаланилди. 2021 йилда республиканинг барча ҳудудларида 10,6 минг уй хўжаликлари ўртасида ўтказилган кузатув натижалари асосида оид аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

### Тадқиқот натижалари

Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, аёллар бандлиги ошириш, уларга муносиб меҳнат шароитини яратиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. "Мамлакатимизда хотин-қизларни иш ўринлари, уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада аёлларни касб-хунарларга қайта ўқитиш марказлари жорий этилгани, арzon уй-жойлар дастури амалга оширилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир"<sup>7</sup>.

4 Холмўминов Ш.Р.,Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобаназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х.,Сайдов Н.Р. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик ўйналишлари (монография). -Тошкент: "Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи", 2020, 224 б.

5 Bruin A. De., Brush C.G., Welter F. Advancing a framework for coherent research on women's entrepreneurship Entrepreneurship Theory Pract., 31 (3) (2007), pp. 323-339, 10.1111/j.1540-6520.2007.00176.x; V. Yadav, J. Unni Women entrepreneurship: research review and future directions J. Global Entrepreneurship Res., 6 (1) (2016), p. 12, 10.1186/s40497-016-0055-x.

6 Адилова З.Д., Хонтураев Б.А., "Махалла ва оила" ИТИ Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва камбағаллик даражасини камайтириш. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш асосида камбағаллик ва ишсизлик даражаси сини камайтириш масалалари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Т: ТДИУ, 42 – 2021 б.

7 Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон" газетасига берган интервюси 17.08.2021// <https://president.uz/uz/lists/view/4547>.

Қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишнинг кафолатли маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида тараққий этган молиявий бозорлар, қулай ишбилармонлик муҳити, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-кувватлаш ва ишлаб чиқариш-сотиш занжирларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий чораларни кўриш талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида инвестицияларни бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг мустақил мониторинги ҳамда баҳолаш структураси, тизими ва механизмлари мавжуд эмас. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиёт (GAEP), мақбул ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) ва бошқа стандартларга риоя этилишини рағбатлантириш учун шарт-шароитларни ривожлантиришга маълум маънода салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот, таълим ва ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатишни ўзаро боғлайдиган қишлоқхўжалигига оид билим ва ахборотларни тарқатиш бўйича самарали тизимнинг йўқлиги соҳани илмий асосда ривожлантиришдаги энг жиддий тўсиклардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда илмий-тадқиқотлар учун давлат инвестициялари даражаси қишлоқ хўжалиги умумий бюджетининг 0,2 фоизини ташкил этади, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш учун кафолатли маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жорий қилишнинг амалий-услубий тадқиқотларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий талаби, маҳсулот ишлаб чиқарышдаги амалларни бажаришда ахборотларни шакллантириш ва тизимлаштиришдан иборат. Булар техникавий ва дастурий воситаларга, ахборот тизимлари ва технологияларига бўлган талабни шакллантиради. Шу нуқтаи-назардан қишлоқ хўжалиги соҳаларида аёллар учун бўш иш ўринлари бўйича ахборотларни ўз вақтида етказилиши чора-тадбирларини белгилаш рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида ахборот технологияларини жорий қилиш ва

ривожлантириш ҳозирда муҳим масалалардан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ижобий чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан, бу борада ҳали жиддий муаммолар мавжуд. Аграр соҳа ўз хусусиятлари-қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги, серсоҳалиги, табиий омилларнинг таъсири, қўл меҳнати салмоғининг юқорилиги ва ҳоказолар билан аёллар ишчи кучларидан фойдаланишга жиддий таъсир кўрсатади. Айни пайтда тармоқда меҳнат унумдорлиги пастлиги, капиталнинг табиий тузилмаси оқилона эмаслиги учун қишлоқ хўжалиги аёллар ишчи кучининг йирик истеъмолчиси ҳисобланади. Қишлоқ аёллари ўртасида иш билан банд бўлмаганлар даражаси шаҳардагига нисбатан юқори бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалик ишлари авжига чиққан вақтда ишчи кучи тақчиллиги, айниқса сезилади. Бу эса ўз навбатида, қишлоқ аёллар ишчи кучини қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилишни моддий ва маънавий рағбатлантирувчи иқтисодий ва ижтимоий механизмларни жорий этиш зарурлигини билдиради.

Давлат даражасида қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш, интернет хизматлари, ахборот технологиялари инфратузилмасидан фойдаланиш, аёлларнинг рақамли саводхонлигини ошириш, аёлларнинг рақамли кўнкимларини ривожлантиришга кўмаклашиш ва уларни меҳнат бозорига кўнкимларини йўқотмасдан (инвестициялар, тренингларни ташкил этиш) интеграциялашишга ёрдам бериш бўйича қатор тадбирлар зарур (Ирматова, 2021).

### Таҳлиллар

Қишлоқ иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий белгиларидан бири янги иш жойларини ташкил этиш бўлиб, ишсизлик даражасини камайтириш, биринчи навбатда, иш кучи тақлифидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалигининг янги соҳаларида иш ўринлари яратишга боғлиқдир. Янги иш ўринларини ташкил этиш ўзига хос тизими яратилган бўлиб, улар инвестиция дастурлари, маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик

қайта жиҳозлаш тармоқ дастурлари, тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда. Бизнингча, қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш жойларини ташкил этишда худудий хусусиятлар ва йўналишларни инобатга олиш лозим. Шу ўринда қишлоқ хўжалигида аёлларнинг иш билан бандлигини иқтисодий тартибга солиш механизмига боғлиқ ҳолда таснифлашни мақсаддага мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан келиб чиқсан ҳолда эътироф этиш керакки, аёлларнинг айниқса, қишлоқ хўжалигини биринчи бор кириб келаётган қизларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда аниқ тартибларни белгилашорқалиуларнинг ўз иш ўринларидағи қўнимлилигини таъминлаш ҳамда бу борада иш берувчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари маъсуллигини ошириш, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқаришнинг айнан аёллар манфаатига қаратилган механизмларни такомиллаштириш мақсаддага мувофиқ. Бу эса аграр сектордаги аёлларни манзилли қўллаб-куватлаш, улар орасида ишсиз ва ижтимоий-

иқтисодий фаол бўлмаганлар билан якка тартибда иш олиб бориш, иш билан бандликка қўмаклашиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш имконини беради.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш соҳасини модернизациялаш жараёни энди аёл ишчи кучларининг сифатига ва рақобатбар дошлигига янги талаблар кўйиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ аёлларининг ўта ҳаракатчан, кенг қамровли мутахассисликка эга бўлиши талаб этилади ва шулардан келиб чиқсан ҳолда ҳали ишлатилмаган имкониятларни худудий жиҳатдан таҳлил қилиш ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш, айниса эътиборни қишлоқ аёллари учун ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам иш ўринларини кўпайтириш истиқболларини баҳолашга қартиш лозим. Қишлоқ худудларида ноқишлоқ хўжалиги янги иш ўринлари сонининг истиқболдаги кўрсаткичларига эътиборимизни қаратсак, деярли барча тармоқларда ўсиш тенденцияси кутилмоқда (-1жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор аёлларнинг ёш гуруҳлари бўйича фарқланиши<sup>8</sup>

Жами	2018 й	2019 й	2020 й
Шу жумладан ёш гуруҳлари бўйича	<b>69 756</b>	<b>75 295</b>	<b>81 703</b>
16-19	72	78	86
20-24	8 318	8 977	9 742
25-29	5 659	6 218	6 740
30-34	9 141	9 866	10 709
35-39	11 599	12 534	13 602
40-44	10 835	11 695	12 690
45-49	9 141	9 867	10 707
50-54	8 553	9 232	10 018
55-59	4 589	4 903	5 320
60-64	1 251	1 315	1 427
65+	598	610	662

1-жадвал бўйича давлат солиқ хизматлари органларида рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор аёлларнинг ёш гуруҳлари бўйича фарқланиши келтирилган. Бу борада айниқса, 30-34, 35-39, 40-44, 45-49, 50-54 ёшли аёллар орасида

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш анча юқори кўрсаткични ташкил қилмоқда. Қишлоқ жойларида эса бу кўрсаткичлар ҳам маҳаллий бошқарув органларининг тизимли қўллаб-куватлаши билан ошиб бораётганлиги кузатилмоқда.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Иқтисодчи олма Г.Қ. Абдурахмонованинг фикрича<sup>9</sup> “Аёлларнинг меҳнат фаолияти эркакларнига нисбатан қисқароқ давом этганилиги кўпроқ аёлларнинг болани тарбиялашдаги ва уй хўжалигидаги тарихий роли билан боғлиқ. Меҳнат бозоридаги катта ўзгаришларга қарамасдан, бундай анъянавий рол кўплаб аёлларнинг фарзанд тарбияси учун бир неча йил давомида меҳнат бозорида ўз меҳнатини таклиф қиласлигига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам, одатда, аёл ишчиларнинг меҳнат фаолияти каби узлуксиз давом этмайди. Шунга қарамасдан, инсон капитали назарияси тахлили, аёлларнинг, айниқса турмуш қурган аёлларнинг меҳнат бозорида фаолроқ иштирок этишиши мактаб ва бошқа таълимдаргоҳларида аёлларнинг кўпроқ инвестиция қилишларига олиб келмоқда”. Алоҳида таъкидлаш жоизки, оилавий тадбиркорликнинг аҳамияти иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш орқали белгиланиши зарур. Бунинг учун эса қишлоқ иқтисодиёти бозор инфраструктузилмасини ривожлантириш, самарали агромаркетинг ва агрологистика тузилмаларини шакллантириш, экспортни рағбатлантирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқариш ва тадбиқ этиш, айниқса, арzon ва замонавий агротехника воситалари ва қайта ишлаш технологияларини қўлланилишига кенг устуворлик бериш зарур. Шулар орқали қишлоқ хўжалигига кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш негизида кўплаб янги ўринларини ташкил этишга эришилади.

### Хуласа ва тақлифлар

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигига аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этишини яқин истиқболда прогноз кўрсаткичларга эришишучун қуидаги асосий иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалиги соҳаларида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишини кўпайтириш учун кафолатланган инвестицион маблағларнинг асосий қисмини йўналтирилиши асосида худудий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижроларини таъминлаш;

- аграр секторнинг нисбатан янги пахтатўқимачилик, балиқчилик, ипакчилик, чорвачилик, мева-сабзовотчилик, агротуризм ва

доривор ўсимлмклар кластерларида каби сердаромад ва кафолатланган аёллар учун зарурий меҳнат қилиш шароитларига эга янги иш ўринларини ташкил этиш миқдорини ошириш учун иш берувчиларга имтиёзли солиқ ва кредит ставкаларини тақдим этиш;

- катта туристик салоҳиятлар ва тарихий обьектларга эга қишлоқ худудларида туристларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, миллий хунармандчилик товарлари билан танишиш ва экологик тоза озиқ-овқатларни тановул қилиши ҳамда сифатли дам олишни таъминлашини таъминлаш мақсадида шакллантирилган агротуризм кластери обьектларида янги иш ўринларининг аёллар учун нисбатан кўпроқ ташкил этиш ва уларни иш берувчилар томонидан имтиёзли малака ошириши ва қайта тайёрланишини амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалигининг нисбатан янги соҳаларида аёллар иш ўринлари самарали фаолият кўрсатиши учун унумли маҳаллий ва ҳорижий экинларни навлари, зотдор чорвачилик ва балиқчилик турлари билан таъминланган ҳолда давлат ва маҳаллий хокимиятлар томонидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситалари ҳамда молијавий маблағлар билан таъминловчи ташкилотларнинг фаолиятлари тизимли назорат қилиш ва тартибга солиши;

- кўп соҳалик қишлоқ хўжалиги кооперациялари ва фермер хўжаликларида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш миқдорини ошириш учун қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларини ажратишнинг шаффоф тизимини яратиш, ердан фойдаланувчилар хуқуқларини кафолатлайдиган механизmlарни амалиётга татбиқ этиш;

- қишлоқ хўжалигининг шахсий томорқа, дехқон, фермер ва бошқа соҳаларида аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этишини кўпайтиришни молия-кредит, агрокимё, агроСервис, агрологистика ва бошқа хизматлар фаолиятларини сифатли ташкил этиш асосида ташкилий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш;

- аграр соҳадаги янги ва мавжуд иш ўринларида аёллар учун меҳнат қилиш обьектларини ва дам олиш шароитларини белгиланган меъёрлар асосида ташкил қилиш, ҳамда меҳнат, техника, ва табиий-экологик хавфсизликларни таъминлаш.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мут рожаатномаси. Lex.uz.
2. Жумаев Н. Коронавирус ортидаги иқтисодий муаммолар, камбағаллик, ошаётган ташқи қарз ва ЕОИИ. 16.04.2020. <https://kun.uz>
3. <https://www.un.org>
4. Холмўминов Ш.Р.,Хомитов К.З., Арабов Н.У, Бобаназарова Ж.Х., **Абдурамонов Х.Х.,Сайдов Н.Р.** Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари (монография). -Тошкент: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020, 224 б.
5. Bruin A. De , Brush C.G., Welter F. Advancing a framework for coherent research on women's entrepreneurship Entrepreneurship Theory Pract., 31 (3) (2007), pp. 323-339, 10.1111/j.1540-6520.2007.00176.x; V. Yadav, J. Unni Women entrepreneurship: research review and future directions J. Global Entrepreneurship Res., 6 (1) (2016), p. 12, 10.1186/s40497-016-0055-x.
6. Адилова З.Д., Хонтураев Б.А., “Маҳалла ва оила” ИТИ Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва камбағаллик даражасини камайтириш. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантик риши асосида камбағаллик ва ишсизлик даражасини камайтириш масалалари мавзусидаги илш мий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 42 – .2021 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервюси 17.08.2021// <https://president.uz/uz/lists/view/4547>.
9. Абдурахмонова Г.Қ., Рустамов Д.Ж. “Инсон капиталини рақамли иқтисодиёт асосида ривожлантириш йўналишлари”. Монография. – Beau Bassin: “GlobeEdit” Publisher, 12 – .2020 б.

### **АЁЛЛАР ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИНИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

### **ВОЗМОЖНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ОПЫТА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ РАЗВИТИЯ ЖЕНСКОГО ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА**

### **POSSIBILITIES FOR APPLYING THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE NATIONAL ECONOMY OF THE DEVELOPMENT OF WOMEN'S HUMAN CAPITAL**

**Бозорова Сахобат Абдужаппаровна –**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси  
катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада инсон капиталининг гендер жиҳатлари аниқланди, аёллар инсон капиталининг афзалларидан мамлакат иқтисодётини ривожлантиришда самарали фойдаланиш йўналишлари келтирилди. Аёллар инсон капиалини ривожлантиришнинг хориж тажрибасидан миллий иқтисодиётда фойдаланиш имкониятлари ўрганилди.

**Таянч иборалар.** Инсон капитали, аёллар инсон капитали, аёллар инсон капитали захираси ўлчови, инсон капиталини амортизация қилиш усули

**Аннотация.** В статье определены гендерные аспекты человеческого капитала, даны направления эффективного использования преимуществ женского человеческого капитала в развитии экономики страны. Изучены возможности использования зарубежного опыта развития женского человеческого капитала в национальной экономике.

**Ключевые слова.** Человеческий капитал, человеческий капитал женщин, показатель запаса человеческого капитала женщин, метод амортизации человеческого капитала